O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FARG'ONA VILOYATI HOKIMINING

**Q A R O R I**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

**П О С Т А Н О В Л Е Н И Е**

ХОКИМА ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2020 yil "09" март № 76 — Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони ижроси тўғрисида**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, парламент палаталари қўшма мажлиси ва ташкилий йиғилишларида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан:

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини **"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да** амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) **иловага** мувофиқ тасдиқланганлиги ва қуйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгиланганлиги:

**Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида**:

2020 йилдан бошлаб **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида** фуқароларнинг **Интернет тармоғидаги** мурожаатлари асосида **парламент ва депутат сўровларини шакллантириш**, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи **"Электрон парламент" тизимини** жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида **йил якунига кўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш** ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш амалиётини шакллантириш;

2020 йилда Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгашининг фаолиятини **“намунали Кенгаш”** сифатида йўлга қўйиш бўйича амалий ташкилий чора-тадбирларни кўриш ҳамда **маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институтини** жорий қилиш;

2020 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисларида **давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг** ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Ҳукумат аъзолари ва тармоқлар раҳбарларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги **ахборотларини мунтазам равишда эшитиш тартибини** амалиётга татбиқ қилиш;

2020 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистоннинг **хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш**, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида **Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш** тизимини йўлга қўйиш;

2020 йил 1 июлга қадар **“Mening fikrim” веб-порталининг** мобиль иловасини ишга тушириш чоралари кўрилиши, шунингдек, веб-порталга келиб тушаётган мурожаатларни депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилишни ташкил этиш белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар **дастури**, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни ишлаб чиқиш бўйича **“йўл харита”си**, Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш **концепцияси** ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган **стратегияси** қабул қилинишини таъминлаш тавсия этилганлиги;

**Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида:**

2020 йил 1 майдан бошлаб суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан **томонларнинг** (прокурордан ташқари) **мурожаати мавжуд бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш** тартибини амалиётга жорий этиш;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартибини жорий этиш;

2020 йил 1 ноябрга қадар одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида **апелляция ва кассация инстанциялари ислоҳ қилиниб**, назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш;

2020 йил 1 июнга қадар тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турлари декриминализация қилиниши, шунингдек, божхона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини **биринчи марта содир этган, товар учун тўловни ихтиёрий равишда тўлаган** ва божхона расмийлаштирувини амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартибини жорий этиш;

2020 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини **жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказиш**;

2020 йил 1 декабрдан ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган **жаримани суд ва ваколатли идораларда иш кўрилгунга қадар ихтиёрий тўлашни рағбатлантириш тизимини** жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, тизимлаштирилган **“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг** янги таҳрири, шунингдек, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни назарда тутувчи **қонун лойиҳаларини** ишлаб чиқиш кўзда тутилганлиги;

**Иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳасида:**

2020 йилдан бошлаб пахта хомашёси ишлаб чиқариш ва мажбурий сотиш режасини, унинг нархини **давлат томонидан белгилаш амалиётини бекор қилиш** ва давлатга мажбурий ғалла сотиш ҳажмини 25 фоизга **камайтириш**;

2020 йилда солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган солиқ суммаси белгиланган муддатда қайтарилмаган ҳолда ушбу сумма учун солиқ тўловчиларга бюджет ҳисобидан Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг миқдорда фоизлар тўлаш ҳамда ички бозорда сотилган маҳсулот бўйича **қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш** тартибини самарали йўлга қўйиш;

2020 йилда лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни **камида икки бараварга қисқартириш**;

2020 йил 1 июндан бошлаб давлат улушига эга бўлган **банклар трансформацияси бўйича “йўл харита”ларини амалга оширишга** киришилиши, шу жумладан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган **банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш** чораларини кўриш;

2020 йил 1 июнга қадар экспортни олдиндан молиялаштиришга қаратилган **Экспорт-кредит агентлигини** ташкил қилиш;

2020 йилда **“рақамли маркировка ва онлайн касса”** лойиҳасини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш ҳамда **“Э-омбор”** товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича амалий чоралар кўриш;

2020 йил 1 июндан бошлаб маҳаллий экспорт қилувчиларга юкларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг **бир қисмини давлат томонидан қоплаш**, шунингдек, тадбиркорларнинг инфратузилма барпо этиш бўйича харажатларининг **бир қисми учун компенсация тўлаш механизмларини жорий этиш**;

2020 йилда камида **800 мингта кенг полосали Интернет портлари яратиш** ва **12 минг километр оптик толали алоқа линияларини ёткизиш белгиланганлиги**;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Савдо-саноат палатасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги, “Давлат қарзи тўғрисида”ги ва “Расмий статистика тўғрисида”ги **қонун лойиҳалари**, Автомобиль йўлларини ривожлантириш ва Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш **стратегиялари**, Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва Сув хўжалигини ривожлантириш **концепциялари**, Қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича **амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишни** таъминлаш вазифаси топширилганлиги;

**Ижтимоий ривожланиш соҳасида:**

2020 йил охирига қадар 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизимини жорий этган ҳолда, мактабгача таълим билан **қамраб олиш даражасининг 60 фоизга етказилишини таъминлаш**;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг юкламасини мақбуллаштириш, шунингдек, олий таълим муассасаларида **асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини икки бараварга қисқартириш;**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича **давлат буюртмаси параметрларини босқичма-босқич икки бараварга ошириш**;

2020 йилда камида **5 та олий таълим муассасаси**ни конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилиш чораларини кўриш;

2020 йилда **математика, кимё-биология, геология** каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитларни яратиш чораларини кўриш;

2020 йил 1 сентябрга қадар илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан фаол интеграциялашувини таъминлаш мақсадида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун **мақсадли грант маблағларини ажратиш** механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш;

2020 йилда **мажбурий тиббий суғурта тизимини** жорий этишга тайёргарлик ишларини якунига етказиш ва келгуси йилда ушбу тизимни тажриба тариқасида **Сирдарё вилоятида** ишга тушириш;

2020 йилда давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланишини ўтган йилга нисбатан **1,3 бараварга** кўпайтириш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

3. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **“Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури** лойиҳасини ишлаб чиқишда бошқа масалалар билан бир қаторда қуйидагилар назарда тутилганлиги инобатга олинсин:

а) **“Электрон ҳукумат” тизими**ни ривожлантириш йўналишида:

**ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш**, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

**давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш** ва ахборот экотизимини ривожлантириш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

б) **маҳаллий IT-технологиялар бозори салоҳиятини ошириш** йўналишида:

ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларга қўйиладиган асосий функционал талабларнинг **ягона реестрини** белгилаган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларида ушбу маҳсулотлардан фойдаланишга ўтиш;

ўрнатилган функционал талабларга мувофиқ келадиган маҳаллий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларнинг **ягона базасини шакллантириш**;

салоҳияти мавжуд олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳасида лабораториялар, жумладан, халқаро тан олинган илғор IT-компанияларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш;

маҳаллий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

в) **давлат маълумотларини бошқариш тизимини яратиш** йўналишида:

давлат бошқаруви соҳасида маълумотларни шакллантириш ва қайта ишлашга стандартлаштирилган ёндашувни жорий қилиш;

маълумотларни шакллантириш ва янгилаш бўйича жавобгарлик давлат органлари бўйича тақсимланган ҳолда, маълумотлар фақат битта давлат органи ёки унинг бўлинмаларида шакллантириладиган **“маълумотларнинг ягона манбаи” тамойилини жорий этиш**;

ҳужжатга йўналтирилган тизимдан маълумотларнинг реестр ёзувига асосланган тизимга босқичма-босқич ўтиш.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини **“Илм, маърифат**

**ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да** амалга оширишга оид Давлат дастурида амалга оширилиши назарда тутилган тадбирларни ўз ичига олган Фарғона вилоятининг **"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"** ҳудудий дастури **1-иловага**, Дастурни ижросини ташкил этиш ва ижроси назоратини таъминлаш бўйича вилоят Ишчи гуруҳи **2-иловага** мувофиқ, Дастурнинг асосий устувор йўналишлари ижросини мувофиқлаштириш бўйича вилоят ҳокимлигидан бириктирилган масъуллар **3-иловага** мувофиқ, Дастурини ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида шаҳар, туманларга бириктирилган вилоят бошқармалар ва ташкилотлар раҳбарлари рўйхати **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. **Вилоят Ишчи гуруҳи** (Абдурахмонов, Ходжиахмедов, Қосимов, Умаров, Аминжонов, Хатамов) Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Фарғона вилоятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар билан ҳамкорликда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларини тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан фаолиятни мувофиқлаштириб борсин, унинг жойларда ижро этилиши устидан тизимли ва таъсирчан назоратни амалга оширсин.

6. **"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"** давлат Дастурини бажарилишини таҳлил қилиш, мувофиқлаштириш ва натижаларини вилоят ҳамда Республика комиссиясига белгиланган муддатларда тақдим этиб бориш мақсадида вилоят ҳокимлигида Мониторинг гуруҳи ташкил этилсин.

Ушбу Мониторинг гуруҳига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Иқтисодиёт ва саноат, Марказий банк, Молия, Давлат солиқ, Бандлик, Адлия, Инвестициялар ва ташқи савдо, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармалари раҳбарлари белгиланган тартибда бир нафардан малакали ходим ажратсинлар ҳамда уларни жорий йилнинг 10 мартидан Мониторинг гуруҳига юборсинлар.

7. **Шаҳар ва туман ҳокимликлари:**

**бир ҳафта муддатда** Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган устувор йўналишларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, **"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"**да амалга оширишга оид ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан зарурий чора-тадбирларни белгиласин ва ўзларининг тегишли қарорлари билан тасдиқласин;

ҳудудий дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин;

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган устувор йўналишларни ҳамда ҳудудий дастурнинг бажарилиши тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни **ҳар ойнинг 25 санасига қадар** вилоят ҳокимлигида ташкил этилган Мониторинг гуруҳига тақдим этиб борсин.

8. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ф.Қосимов, Д.Ходжиахмедов ва С.Аминжонов Бандлик бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган вилоятдаги коллеж базасида, шунингдек, вилоятда ҳамда босқичма-босқич ҳар бир шаҳар ва туманда камида биттадан **“Ишга марҳамат” мономарказлари ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил этиб**, уларда, биринчи навбатда, ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларининг тадбиркорлик асослари бўйича касбга ўқитилишини таъминласин.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари С.Аминжонов, Ф.Қосимов Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, олий таълим муассасалари, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда:

ҳудудларда касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, хусусан тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси Бандлик бош бошқармаси билан биргаликда **бир ой муддатда** “Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури”и асосида талабгорлар рўйхатини шакллантирсин.

Касбга ўргатиш курслари доирасида ўқитилган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар ва ёшлар каби аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маблағ ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

10. Молия бош бошқармаси Бандлик бош бошқармаси билан биргаликда бюджет маблағлари ҳисобидан илғор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин.

2020 йил 1 майга қадар ҳар бир ҳудудда камида биттадан “Энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури” бўйича нодавлат ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиб, унинг ғолибларига ўз ишини ташкил қилиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан грант ажратиш тартибини ишлаб чиқилиши инобатга олинсин.

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари М.Абдурахмонов, Д.Ходжиахмедов вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари **бир ой муддатда** тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларини аниқласин ҳамда уларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларни инфратузилма билан таъминлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига тақдим этсин.

Янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига барча зарур инфратузилмаларни етказиб бериш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан **100 миллиард сўм** ажратилиши;

янги ташкил этилган кичик саноат зоналаридаги ер участкалари тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда хусусийлаштирилиб берилиши ва бундан тушган маблағлар кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциялари томонидан янги кичик саноат зоналарини барпо этишга сарфланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

12. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Умаров С.Аминжонов Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кенгаши шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** ҳар бир туманда деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳоли рўйхатини шакллантирсин, қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерларни талабгорларга тақсимлаб берсин ва уларни кооперацияларга бириктирсин.

Бунда, мазкур шахсларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар тақдим этилсин ва ерларни оборот (фойдаланиш)га қайтариш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилсин.

13. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Қосимов Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ҳудудий бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, Инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда “Беш ташаббус” лойиҳасини молиялаштириш доирасида “Рақамли технологиялар ўқув марказлари”да, “Ишга марҳамат” мономарказларида ва “Ёшлар технопарк”ларида ёшларга рақамли технологияларни ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

14. **Вилоят ҳокимлиги Ташкилий назорат гуруҳи** (Мухиддинов):

вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари билан биргаликда Кенгашлари ўз ҳудудларида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича **ўн кун муддатда** чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ҳамда **ҳар ойда** ўз мажлисларида муҳокама қилиб бориш ва тегишли таклифларни ишлаб чиқиш амалиётини жорий этсин;

**сиёсий партияларнинг вилоят Кенгаши раислари ҳамда халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари раислари** маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан мунтазам ўрганишларни амалга ошириш, ўрганиш натижалари бўйича доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокамалар ўтказиб бориш, белгиланган вазифалар ижросига масъул бўлган раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш ишларини тизимли ташкил этсин.

15.Вилоят ҳокимлиги Ахборот таҳлил гуруҳи раҳбари А.Рўзиев **ҳар ойи камида икки марта** ҳудудий дастурининг бажарилиши юзасидан таҳлилий маълумотларни вилоят ҳокими ҳузурида ўтказиладиган “ҳокимлик соати” муҳокамаларига киритиб борсин.

16. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари М.Обидов Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси, вилоят телерадиокомпанияси:

ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тушунтирилиши тавсия этилсин;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYAT HOKIMIYATI BAYON QISMI

**Вилоят ҳокими** **Ш.Ғаниев**

Вилоят ҳокимлигининг
2020 йил 09 мартдаги
76 -сонли қарорига
1-илова

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид**
**ВИЛОЯТ ДАСТУРИ**

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялашти-риш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | | |
| **Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш** | | | | | | | |
| 1 | 1 | Олий Мажлис Сенатининг қонун ижодкорлиги ва парламент назоратидаги ролини ошириш. | 2020 йил 1 июнь | Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>Сенатга келиб тушган қонуннинг жойлардаги муҳокамасини ташкил этишга оид аниқ механизмни белгилаш;<br>Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиётини йўлга қўйиш;<br>Сенат томонидан вазирлик ва идоралар раҳбарларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳисоботини мунтазам муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўйиш;<br>парламент ва сенатор сўрови юборилган мансабдор шахснинг ўзи томонидан сўровга жавоб бериш тартибини белгилаш;<br>сўровларни ҳудудлар манфаатидан келиб чиқиб шакллантириш, унинг |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | натижасига оид ахборотни қўмита ва ялпи мажлисларда муҳокама қилиш тизимини жорий этиш;<br>Сенатга маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинган қонунга зид қарорларни бекор қилиш ваколатини бериш;<br>Сенатнинг ҳар бир қўмитаси ўз фаолият режасини ҳудудий муаммолардан келиб чиқиб шакллантириши амалиётини кенг йўлга қўйиш;<br>аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизимини жорий этиш;<br>БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича тасдиқланган индикаторларга эришилиши устидан мониторинг олиб бориш;<br>Сенат томонидан ёшлар ва таълим масалалари бўйича тегишли чораларни белгилаш назарда тутилади. |
| 2 | 2 | Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш. | 2020 йил 1 июнь | Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, Адлия бошқармаси, Ахборот технологиялари ва | - | - | Чора-тадбирлар дастури.<br>Дастурда:<br>Сенатда доимий асосда ишлайдиган сенаторларни маҳаллий Кенгашларга бириктириш;<br>жорий йилда Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгашининг фаолиятини “намунали Кенгаш” сифатида ташкил этиш; |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | коммуникация-ларини ривожлантириш бошқармаси, вилоят телерадиокомпанияси | | | ижро органларини жойларда фаол ишлатиш мақсадида сенаторларнинг жойлардаги раҳбарлар ҳисоботини эшитиш, республика даражасида ҳал қилинадиган масалаларни Сенат муҳокамасига киритиб боришни жорий этиш;<br>Сенатда жорий этилган мажлисларни жонли эфир орқали намойиш қилиш борасидаги амалиётни маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ҳам жорий этиш;<br>маҳаллий Кенгашларда “Сенаторлар хонаси”ни ташкил этиш назарда тутилади. |
| 3 | 5 | Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиётини янада кенгайтириш, ижтимоий муносабат-ларни қонунлар билан тартибга солиш даражасини ошириш. | 2020 йил 1 апрель | Вилоятдаги сенаторлар, Адлия бошқармаси | - | - | Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиётини янада кенгайтириш, ижтимоий муносабатларни қонунлар билан тартибга солиш даражасини ошириш. |
| 4 | 8 | Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги жараёни-даги ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш. | 2020 йил 1 июнь | Вилоятдаги сенаторлар, Адлия бошқармаси | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг аниқ тартибини белгилаш;<br>қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинаётганда маъруза билан чиқиш вазифасини, қоида тариқасида, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ёки унинг вакили зиммасига юклаш;<br>мазкур қоидани амалга ошириш механизмини белгилаш, жумладан ташаббускор идора қонун лойиҳасининг |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | аҳамиятини депутатлар олдида асослаб бера олмаган ҳолларда лойиҳани кўриб чиқишни рад этиш назарда тутилади. |
| 5 | 15 | Халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини кучайтириш ва назорат соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш. | 2020 йил 1 июнь | Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, Адлия бошқармаси | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>вилоят ва туман ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида халқ депутатлари вилоят Кенгашларида ҳисобот беришини назарда тутувчи тизимни жорий қилиш;<br>маҳаллий Кенгашларга вазирлик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг ўз лавозимига лойиқлиги юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга таклиф киритиш ваколатини бериш. |
| 6 | | Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаат-ларини ҳимоя қилиш мақсадида депутатлар томонидан хотин-қизлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилган ишларни йил якунига бағишланган сессия кун тартибига киритиш. | 4-чорак | Сиёсий партиялар, Маҳаллалар кенгаши, тегишли вилоят бошқармалари, корхона, ташкилотлар | - | - | Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига янгидан сайланган 17 нафар хотин-қизларни вилоятнинг туман ва шаҳарлардаги хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида туман шаҳарлар бириктирилиб, депутатлик фаолияти давомида ваколат доирасида жойларда хотин-қизларни ҳуқуқ ва манфаатларини ва оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муаммоларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилади. |
| 7 | 19 | Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилот- | 2020 йил 20 июнь | Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, Молия бош бошқармаси, | - | - | Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>жамоат фондининг ташкилий |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолияти такомиллаштириш. | | Адлия бошқармаси | | | тузилмасини қайта кўриб чиқиш;<br>жамоат фондининг йиллик харажатлар сметасини тасдиқлаш;<br>ижтимоий шериклик механизмларини фонд фаолиятида кенгайтириш назарда тутилади. |
| **Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш** | | | | | | | |
| 8 | 25 | Ёшларни давлат хизматига қизиқтириш орқали ватанпарвар ёш кадрлар захирасини шакллантириш. | 2020 йил 1 апрель | Халқ таълими бошқармаси, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари | - | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>ёшлар, хусусан мактабнинг юқори синф ўқувчилари, лицей, коллеж ва олий таълим муассасалари талабаларининг давлат хизматига қизиқишини ошириш;<br>ёшларнинг онгида давлат хизмати жозибадорлигини ошириш, уларда бу бўйича амалий кўникма ва дастлабки билимларни ошириш;<br>ёшларда ватанга садоқат ва хизмат руҳини вужудга келтириш орқали келгуси ватанпарвар ёш давлат хизматчилари қатламини шакллантириб бориш;<br>ёшлар учун ўзи қизиққан йўналишдаги назарий билимларини амалиётда қўллаш учун республика ва худудий давлат ташкилотларида ўз хоҳишига кўра кўнгилли сифатида икки ҳафталик амалиёт ўташига ушбу ташкилот раҳбарлари томонидан имконият яратиб бериш;<br>ёшлар билан бевосита давлат ташкилотлари раҳбарлари ўртасида ташкилотга ёшларнинг ташриф буюриши орқали ўзаро муҳокама ва савол-жавобларга |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | асосланган учрашувлар ҳамда ташкилот бўйлаб экскурсиялар ташкил этиб бориш назарда тутилади. |
| 9 | 27 | Тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун илғор хорижий тажриба асосида замонавий менежмент тизимини жорий этиш. | 2020 йил 1 июнь | Вилоят ҳокимлиги (Қосимов, Абдурахмонов, Мухидинов), Иқтисодиёт ва саноат бошқармаси, Адлия бошқармаси, Бандлик бошқармаси | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>ҳар бир соҳани ўрта ва узоқ истиқболда ривожлантириш бўйича аниқ режа ва дастурларни ишлаб чиқиш;<br>вазирлик ва идоралар кўрсаткичлари билан биргаликда ҳар бир вилоят ва тумандаги ижро органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш;<br>йиғилишларда ҳокимлар ва ҳудудий идоралар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлигига баҳо бериш тизимини яратиш;<br>ушбу тизимни халқаро рейтинг ва индекс кўрсаткичлари билан уйғунлаштириш назарда тутилади. |
| 10 | 28 | Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг самара-дорлигини ошириш чораларини кўриш. | 2020 йил 1 июль | Вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари М.Мухидинов, Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси, Адлия бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси,<br><br>Статистика | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда такрорланувчи функцияларни тегишли органларга ўтказиш;<br>ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимлик аппарати таркибий бўлинмалари функционал вазифаларининг намунавий Низомларини тасдиқлаш;<br>ҳокимлар фаолиятини баҳолаш бўйича аниқ мезонларни ва мақсадли вазифаларни |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар (*млн сўм*) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | бошқармаси | | | ишлаб чиқиш;<br>маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини комплекс баҳолаш тизимини яратиш мақсадида Ҳудудларнинг ривожланиш индексини ишлаб чиқиш;<br>мазкур индексдан келиб чиқиб, ҳудудларга оид сиёсатни белгилаш, маҳаллий бюджетларга молиявий кўмак бериш ҳамда раҳбарларни рағбатлантириш масалаларини ўрганиш назарда тутилади. |
| 11 | 35 | Давлат мукофотлари билан тақдирланганлар орасида энг обрўли ва хурматга эга шахсларнинг фаолияти, эришган ютуқлари ва ҳаётий тажрибасини кенг жамоатчилик, айниқса ёшлар ўртасида тарғиб қилиш тизимини йўлга қўйиш. | 2020 йил 1 июль | Халқ таълими бошқармаси, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, Ёшлар иттифоқи вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари | - | - | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва юқори даражадаги орденлар соҳиблари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган манзилли тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш;<br>“Мустақил Ўзбекистон Қаҳрамонлари” номли альбом-китоб тайёрлаш;<br>таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари ўртасида “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва юқори даражадаги орденлар соҳиблари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган танловларни ўтказиш;<br>бугунги кун қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган телекўрсатувлар тайёрлаш, радиовикториналар ўтказиш, ҳужжатли фильмлар яратиш, юртимиз музейларида фото-кўргазмалар ташкил қилиш, уларни республика миқёсида кенг ёритиш;<br>ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон Қаҳрамонлари фаолиятини ёритишга қаратилган веб-сайтлар яратиш ва бошқа |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади. |
| **Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш** | | | | | | | |
| 12 | 35 | Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорликни ўрнатиш. | 2020 йил 15 май | Адлия бошқармаси, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази | - | - | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>Вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш назарда тутилади. |
| 13 | 37 | Аҳоли билан мулоқотни узлуксиз давом эттириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш. | 2020 йил давомида | Вилоят ҳокимлиги (Мухидинов, Ахунжанова), шаҳар, туман ҳокимликлари, бошқарма ва ташкилотлар, сиёсий партиялар раҳбарлари | - | - | Халқ депутатлари, вилоят, шаҳар ва туман кенгаши депутатлари билан ҳамкорликда аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни аниқ дастур ва “йўл харитаси” асосида ҳал этиб бориш;<br>Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларида давлат идоралари раҳбарлари ва ҳокимларнинг мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ва уларнинг ҳал этилиши бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш;<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналари ва бош вазир қабул хонаси вилоят бўлимига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили асосида маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадини тақсимлаш, нафақа олувчиларни адолатли белгилаш, ижро органлари раҳбарлари ишига баҳо беришни ташкил қилиш. |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | | |
| **Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш** | | | | | | | |
| 14 | 39 | Судьяларнинг мустақиллигини тўлиқ таъминлашга қаратилган кафолатларни янада кучайтириш, судьялар мақомининг ҳуқуқий асосларини такомил-лаштириш. | 2020 йил 1 октябрь | Вилоят судлари, Адлия бошқармаси | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.<br>Лойиҳа билан “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририни қабул қилиш назарда тутилади.<br>Лойиҳада:<br>судлар раисларининг судьялар фаолиятини баҳолаш, уларга нисбатан интизомий иш қўзғатишдаги иштирокини қайта кўриб чиқиш;<br>судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш механизмини такомиллаштириш;<br>судьяларнининг ваколатларини тўхтатиб туриш ҳамда тугатиш асослари ва тартибини халқаро стандартларга мослаштириш ва бошқа қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиш тартибини бекор қилиш назарда тутилади. |
| 15 | 48 | Тадбиркорлик соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик асосларини қайта кўриб чиқиш. | 2020 йил 1 апрель | Вилоят прокуратураси, Божхона бошқармаси, вилоят ДХХ бошқармаси, Адлия бошқармаси, Бизнес-омбудсманнинг | - | - | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>божхона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини биринчи марта содир этган ва товар учун тўловни ихтиёрий равишда тўлаган ҳамда божхона расмийлаштирувини амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартибини жорий этиш (божхона |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | вилоятдаги вакили, Савдо-саноат палатаси бошқармаси | | | чегараси орқали олиб ўтиш чекланган ва тақиқланган товарлар билан боғлиқ бўлган жиноятлар бундан мустасно). |
| **Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш** | | | | | | | |
| 16 | | Барча шаҳар ва туманларда содир этилган жиноятларни маҳаллалар кесимида таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлаш, йиллар давомида жиноятлар ўсиб бораётган ёки салмоғи пасайишига эришилмаган маҳалаларда содир этилган жиноят турларини ўрганиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини мувофиқлаштириш, таққослаш ва асосий профилактик тадбирлар, куч воситаларни ушбу йўналишларга қаратиш бўйича тадбирларни амалга ошириш. | Ҳар ой якунида | ИИБ, Прокуратура. Маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси | - | - | Таҳлиллар орқали профилактик тадбирларни ташкил этиш ва содир этилаётган жиноятларни олдини олиш. |
| 17 | | Жиноятларни олдини олиш мақсадида ушбу турдаги жиноятлар | Мунтазам равишда | ИИБ, Халқ таълими, Маҳалла ва | - | - | Таълим муассаларида ва жамоат жойларида тарғибот тадбирларини таъсирли тарзда ташкил этиш. Оғир ва ўта оғир |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | содир этилиш усуллари таҳлил қилинганда 80 фоиз жиноятлар ўткир тиғли жисмлар билан содир этилганлигини, инобатга олиб кенг камровли "тиғ" тадбирларини ўтказиш. | | оилаларни қўллаб-қувватлаш бошқармалари | | | турдаги жиноятларни олдини олиш мақсадида "тиғ" тадбирларини барча шаҳар-туман микёсида ташкил этиш. |
| 18 | | Ички ишлар органларининг жамоат хафвсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш. | Мунтазам равишда | ИИБ, Протуратура, Маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси | - | - | Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик холатлари ошган маҳаллаларда тарғибот ишларини кучайтириш.<br>Маҳаллалардаги турли хилдаги жиноят ва хукуқбузарлик содир этган шахслар учун махсус тадбирлар ташкил этиш.<br>Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик холатлари ошган маҳаллаларни Хар чоракда худудий кенгаш йиғилишларида мухокама этиш.<br>Жиноятчилик ҳолатлари содир этилмаган маҳаллаларни моддий рағбатлантириш. |
| 19 | | "Менинг маҳалламда жиноятчилик бўлмаслиги керак!" шиори остида маҳалаларда тарғибот тадбирларини ташкил этиш. | Мунтазам равишда | ИИБ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қўвватлаш бошқармаси, туман шаҳар ҳокимликлари | - | - | Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликга қарши кураш имунитетини шакллантириш. |
| 20 | | Маҳаллаларда оқсоқоллар фикри муҳим аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб, уларнинг таъсир | 2020 йил давомида | ИИБ, Бандлик бошқармаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қўвватлаш | - | - | Маҳаллаларда оқсоқоллар таъсир доирасидан унумли фойдаланиш орқали ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган тарғибот ишларига кенг жалб этиш. |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | доирасидан унумли фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган тарғибот ишларига кенг жалб этиш. | | бошқармаси, туман шаҳар ҳокимликлари | | | |
| **III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | | |
| **Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва нарх-навонинг барқарорлигини ва инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмаслигини таъминлаш** | | | | | | | |
| 21 | 62 | Ички бозорда истеъмол товарлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш, инфляция даражасини 2020 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлар доирасида сақлаб қолиш учун тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Марказий банк, Молия, Иқтисодиёт ва саноат, Инвестициялар ва ташқи савдо, Солиқ, Монополия, Транспорт, Қишлоқ хўжалиги бошқармалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари | - | - | Амалий чора-тадбирлар. Бунда:<br>нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш;<br>мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш параметрлари ҳамда “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз етказиб бериш занжирини яратишни рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар;<br>истеъмол товарлари бўйича юзага келиши мумкин бўлган тақчилликни олдиндан аниқлаш ва чоралар белгилаш;<br>монетар ва номонетар омилларнинг ички нархлар барқарорлигига таъсирининг олдини олиш;<br>мувофиқлаштирилган монетар-фискал ва монополияга қарши сиёсат юритиш;<br>давлат бюджети харажатлари ва умумий фискал баланснинг қонунда белгиланган параметрлар доирасида бўлишини таъминлаш назарда тутилади. |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Молия тизимини ислоҳ қилиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, қўшимча имконият ва манбалар ҳисобидан бюджет дефицитини камайтириш** | | | | | | | |
| 22 | | Бюджетга қўшимча даромад манбааларини кўпайтириш, қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сонини кўпайтириш ҳисобидан 2020 йил учун белгиланган бюджет даромадлари режасини ортиғи билан бажарилишини таъминлаш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Солиқ бошқармаси, Молия бош бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари | - | - | Бюджетга тушумлар режасини 2020 йилда 4,2 трлн сўмга, I чорак якуни билан 800 млрд сўмга бажариш, шунингдек, маҳаллий бюджетга йил якуни билан қўшимча 250 млрд сўм миқдорида тушумлар туширилишини таъминланади. |
| 23 | 66 | Ижтимоий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган марказлашган инвестициялар самарадорлигини ошириш, давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолаш (PIMA) тизимини жорий этишга таклифлар бериш. | 2020 йил 1 август | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Иқтисодиёт ва саноат, Инвестициялар ва ташқи савдо, Молия, бошқармалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари | - | - | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасига таклиф киритиш. Лойиҳада:<br>инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш мақсадида марказлашган инвестицияларни бошқаришни баҳолаш (PIMA) тизимини жорий этиш;<br>ижтимоий соҳа тармоқлари, йўл-транспорт инфратузилмаси ва бошқа тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини танлаш меъёрлари ва муҳимлигини белгилаш тартибини ўрнатиш;<br>марказлашган инвестициялар ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ва таклиф этиладиган лойиҳалар маълумотларининг ҳар йили янгиланадиган ягона базасини яратиш;<br>Инвестиция дастурини марказлашган инвестициялар ҳисобидан амалга ошириш |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | доирасида ҳудудий лойиҳаларни маҳаллий ресурслар, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бажариш орқали Давлат бюджети улушини босқичма-босқич камайтиришга эришилади. |
| **Солиқ ислоҳотларини амалиётга самарали жорий этиш, солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш, солиқ юкини камайтириш ҳамда соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш** | | | | | | | |
| 24 | | Вилоятда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини нарх-ларини ошиб кетмас-лиги, нархларнинг барқарорлини таъминлаш. | 2020 йил давомида | Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари | - | - | Мавжуд озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ўсишини олдини олиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, 2020 йилда фермер хўжаликлари томонидан 93,5 минг гектар майдонларда 1650,0 минг тонна сабзавотлар етиштириш, шунингдек 2019-2020 йилларда етиштириладиган 623,9 минг тонна тўқсонбости экинларини йиғиб олиш ҳамда 2019-2020 қиш баҳор мавсуми учун жамғарилган 51,4 минг тонна асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини белгиланган графиклар асосида ишлатилишини таъминланади. |
| 25 | 71 | “Яширин иқтисодиёт”нинг улушини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш. | Йил давомида | Вилоят Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Солиқ, Моливий назорат, Божхона, Марказий банк, Молия, | - | - | Солиқ органларига тақдим этилган солиқ ва молиявий ҳисоботлардаги тафовутлар бўйича корхоналардан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини олиш орқали бюджетга қўшимча солиқлар ундирилади.<br>Солиқ органлари ва бошқа ташкилотларда мавжуд манбаларни (ташқи манбаларни) солиштириш натижасида аниқланган тавофутлар бўйича |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Иқтисодиёт ва саноат, Савдо-саноат палатаси, Транспорт, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармалари | | | корхоналардан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини олиш ва бюджетга қўшимча солиқлар ундирилади. |
| 26 | | Тадбиркорлик субъектларида норасмий тарзда ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг фаолиятини қонунийлаштириш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Бандлик, Солиқ, Молия, Савдо саноат палатаси бошқармалари | - | - | Жойларга чиққан ҳолда, солиқ тўловчи фойдаланадиган объектларда ва ҳудудларда солиқ тўловчининг мансабдор шахслари ёки уларнинг вакиллари иштирокида, мавжуд ходимларнинг сонини бирма-бир санаб чиқиш ҳамда маълумотнома билан расмийлаштириш орқали ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлигини аниқланади. |
| 27 | | Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти бўйича камерал назоратни таъминлаш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Солиқ бошқармаси | - | - | Солиқ органларига тақдим этилган солиқ ва молиявий ҳисоботлардаги тафовутлар бўйича корхоналардан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини олиш орқали бюджетга қўшимча солиқлар ундирилади.<br>Солиқ органлари ва бошқа ташкилотларда мавжуд манбаларни (ташқи манбаларни) солиштириш натижасида аниқланган тавофутлар бўйича корхоналардан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини олиш ва бюджетга қўшимча солиқлар ундирилади. |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 28 | | Фаолият кўрсатмаётган ва самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектларнинг мулкдорларига таъсирчан солиқ механизмларини қўллаш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, Ер ресурслари ва давлат кадастри, Солиқ, Молия бошқармалари | - | - | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги 666-сонли қарорига асосан ҳудудлардаги бўш турган бино-иншоотларни хатловдан ўтказиш, белгиланган тартибда хулосаси чиқарилмаганларини ажратиш ва уларга хулосалар чиқариш;<br>Чиқарилган хулосалар асосида фаолият кўрсатмаётган ва самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектларнинг хусусий мулкдорларига таъсирчан солиқ механизмлари қўлланилади. |
| 29 | | Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун ундирилмасдан турган жарималарни ундириш ҳисобига бюджетга тушумларни таъминлаш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси | - | - | Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун тўланмаган жарималарни ҳудудлар кесимидаги рўйхати асосида ундирув ишларини ташкил этилади ва ундирилиши таъминланади.<br>Вилоятнинг ҳар бир туман шаҳарларида АВТОКОНлар ёрдамида рейдлар ўтказилиб, қарздорликларни ундириш чоралари кўрилади. |
| 30 | | Давлат мулкини сотишдан маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган тушумларни таъминлаш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимлиги (Абдурахмонов), Давлат активларини бошқариш, Молия бошқармалари | - | - | Бўш турган, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини сотиш орқали маҳаллий бюджетга ўтказиладиган тушумлар кўпайтирилади. |
| 31 | | Бюджет маблағларидан мақсадли ва | Йил давомида | Молия, Молиявий | - | - | Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | оқилона фойдаланиш ҳамда уни тежаш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги бўйича ҳисобдорлик тизимини кучайтириш. | | назорат бошқармалари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари | | | сметалари ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказишда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар, қабул қилинган Давлат дастурлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари давомида берган топшириқлари инобатга олинишини, режалаштиришда бюджет тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилиши таъминланади.<br>Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга бюджетдан ажратиладиган маблағларни 2019 йилги ҳақиқий харажатларни, тармоқ, штат ва контингент кўрсаткичлари ўзгаришини ҳар томонлама таҳлили асосида, шунингдек айрим харажатларнинг мавсумийлигини ҳисобга олган ҳолда тақсимланади.<br>Бюджет ижроси жараёнининг иштирокчиларининг масъулияти ва жавобгарлиги оширилади. |
| 32 | | Мажбурий ижро бўлимларидаги қолдиқ ижро ҳужжатлари асосида солиқ қарзини ундириш. | Йил давомида | Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси, Солиқ бошқармаси | - | - | Мажбурий ижро бюроси ҳудудий бўлимларида хўжалик юритувчи субъектларда ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорнинг мол-мулкини хатлаш ва сотиш чоралари кўрилади. |
| **Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш** | | | | | | | |
| 33 | 76 | Ҳудларда кооперация алоқаларини кенгайтириш мақсадида | Режа-график асосида | Вилоят ҳокимлиги (Пўлатов), | - | - | 1. Вилоятда жойлашган тармоқ ва ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларнинг |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ҳудудий ва йирик тармоқ саноат корхоналарини жалб қилган ҳолда республика ва ҳудудий саноат ярмаркаларини ташкил этиш. | | Иқтисодиёт ва саноат, Инвестициялар ва ташқи савдо, Савдо-саноат палатаси бошқармалари | | | маҳсулотлари рўйхатини шакллантириш;<br>2. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотларини cooperation.uz порталига жойлаштириш, порталда корхоналар рўйхатини доимий равишда янгилаб бориш. |
| 34 | | Вилоятда 2020 йилда маҳаллийлаштириш дастурига киритилган йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 355,2 млрд.сўм бўлган 71 та лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш ҳамда белгиланган параметрларга эришишни мониторинг қилиш. | Режа-график асосида | Вилоят ҳокимлиги (Пўлатов), Иқтисодиёт ва саноат бошқармаси, шаҳар, туман ҳокимликлари | - | - | Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 51 та корхоналар томонидан амалга оширилаётган 71 та лойиҳаларда йил якунига қадар 355,2 млрд.сўм миқдорида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлаш. |
| **Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, мустаҳкам ва барқарор замонавий ишлаб чиқариш ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш** | | | | | | | |
| 35 | 77 | Ҳудудларда ишлаб чиқариш ва инженерлик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, бунга республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан юқори тушумларининг ярмини йўналтириш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимлиги (Ходжиахмедов), Молия бош бошқармаси | 946500 | Республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан юқори тушумлари | Амалий чора-тадбирлар. Бунда:<br>Республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан юқори тушумларининг ярмини инфратузилма объектларини ривожлантиришга йўналтириш;<br>мазкур маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган инфратузилма объектларининг манзилли рўйхатини ишлаб чиқиб, маҳаллий кенгашлар томонидан тасдиқланишини таъминлаш;<br>358 км ичимлик суви, 70 км оқава суви, 12 км умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, 29 км мелиоратив коллектор- |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | дренаж тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш;<br>қуввати 17,0 МВт бўлган йилига ўртача 422 минг. кВт.соат электр энергия ишлаб чиқарувчи 1 та когенерацион газотурбина қуриш, 445 дона ПТ ва 1047,7 км электр тармоқларини янги қуриш ва реконструкция қилиш;<br>2020 йилда йўл қурилишига 195,2 млрд. сўм, сув тармоқларига 159,0 млрд.сўм, электр тармоқларига 602,5 млрд. сўм маблағ ажратиш. |
| **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлайдиган ишбилармонлик муҳитини яратиш** | | | | | | | |
| 36 | 86 | Вилоятда аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш. | Йил давомида | Иқтисодиёт ва саноат, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк бошқармалари, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, “Тадбиркор аёл” вилоят уюшмаси, тижорат банклари, шаҳар ва туман ҳокимликлари | - | - | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>ҳудудларда аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича амалий дастурни тасдиқлаш;<br>тегишли лойиҳалар учун микромолия хизматлари ва молиявий ресурслар ажратиш;давлат харидлари тизимида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш;<br>халқаро молия ташкилотлари ва донор мамлакатларнинг грант маблағлари, мақсадли дастурлари доирасида молиявий ресурслар ажратилишини кенгайтириш назарда тутилади. |
| 37 | | Вилоятда жорий йилда ўтган йилга нисбатан тадбиркорлик субъектлари сонини 2 баробар кўп ташкил | Йил давомида | Савдо саноат палатаси, Иқтисодиёт ва саноат, Солиқ, Инвестициялар ва | - | - | 2020 йилда тадбиркорлик субъектларини сонини 2 баробарга ошириш, шундан 7947 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этиш орқали кичик бизнес субъектлари сонини вилоятда 38 000 |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | этиш чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш. | | ташқи савдо, Марказий банк, Бандлик, Давлат активларини бошқариш, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари | | | тага етказиш чоралари кўрилади. |
| **Банк тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш, аҳоли ва хўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ҳамда замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш** | | | | | | | |
| 38 | | “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида кооператив ва кластер усулидаги тадбиркорлик субъектларини аниқлаш Жаҳон банкининг имтиёзли кредит маблағларини ўзлаштириш. | Йил давомида | Мрказий банк бош бошқармаси, тижорат банклари, Жаҳон банки вакили, шаҳар ва туман ҳокимликлари | 650 000 | Халқаро молия институтлари маблағлари | “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида жойларда Жаҳон банкининг имтиёзли кредит маблағлари тўғрисида семинарлар ташкил этиш орқали дастлабки лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш.<br>Лойиҳа ташаббускорларини аниқлаган ҳолда маблағлар белгиланган тартибда ўзлаштирилади. |
| 39 | | Тижорат банклари кредит қўйилмаларидан график бўйича 2020 йилда қайтариладиган ресурс маблағларидан оқилона фойдаланиш. | Йил давомида | Марказий банк бош бошқармаси, тижорат банклари | - | - | 2020 йил давомида 3 трлн 225 млрд.сўм аввал ажратилган кредитларни график бўйича қайтаритилиши ҳамда қайтган маблағларни тадбиркорлик субъектларига молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида қайта жойлаштирилиши таъминланади. |
| 40 | | Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган имтиёзли | Йил давомида | Марказий банк бош бошқармаси, тижорат | - | - | Аниқланган қолдиқ ресурс маблағлари янги мижозларга ажратилади. |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | кредит маблағларини қайтариш чорасини кўриш ва қолдиқ ресурс маблағларини аниқлаш. | | банклари | | | |
| 41 | | "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури доирасида имтиёзли кредит маблағларини ажратиш. | Йил давомида | Марказий банк бош бошқармаси, Агро банк, Халқ банки, Микрокредит банк | 241800 | Тижорат банклари кредити | Аввал ажратилган имтиёзли кредитларнинг қайтарилиши ҳисобидан:<br>Халқ банки - 97,8 млрд.сўм;<br>Микрокредитбанк - 46,1 млрд.сўм;<br>Агро банк - 97,8 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилади. |
| 42 | | Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида кредит маблағларини ажратиш. | Йил давомида | Марказий банк бош бошқармаси, Агро банк, Халқ банки, Микрокредит банк | 6300 | Тижорат банклари кредити | Халқ банки томонидан - 3,5 млрд.сўм;<br>Микрокредитбанк томонидан - 0,8 млрд.сўм;<br>Агро банк томонидан - 1,9 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилади. |
| 43 | | Ҳунармандчиликни ривожлантириш дастури доирасида кредит маблағларини ажратиш. | Йил давомида | Марказий банк бош бошқармаси, Агро банк, Халқ банки, Микрокредит банк | 63000 | Тижорат банклари кредити | Аввал ажратилган имтиёзли кредитларнинг қайтарилиши ҳисобидан ҳунармандчилик йўналишига:<br>Халқ банки томонидан - 25,2 млрд.сўм;<br>Микрокредитбанк томонидан - 12,6 млрд сўм;<br>Агро банк томонидан - 25,2 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилади. |
| 44 | | Маҳаллий хокимликлар ҳузуридаги жамғармаларнинг дастурлари доирасида кредит маблағларини ажратиш. | Йил давомида | Марказий банк бош бошқармаси, Агро банк | 1400 | Тижорат банклари кредити | Аввал ажратилган имтиёзли кредитларнинг қайтарилиши ҳисобидан:<br>Агро банк томонидан - 1,4 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилади. |
| 45 | | Бандликка кўмаклашиш дастури доирасида кредит | Йил давомида | Марказий банк бош бошқармаси, Агро банк, Халқ | 33500 | Тижорат банклари кредити | Аввал ажратилган имтиёзли кредитларнинг қайтарилиши ҳисобидан бандликка кўмаклашиш дастури доирасида: |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | маблағларини ажратиш. | | банки, Микрокредит банк | | | Халқ банки томонидан - 7,0 млрд.сўм;<br>Микрокредитбанк томонидан - 8,8 млрд сўм;<br>Агро банк томонидан - 17,7 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилади. |
| 46 | | Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш дастури доирасида кредит маблағларини ажратиш. | Йил давомида | Марказий банк бош бошқармаси, Агро банк, Халқ банки, Микрокредит банк | 17200 | Тижорат банклари кредити | Аввал ажратилган имтиёзли кредитларнинг қайтарилиши ҳисобидан хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш дастури доирасида:<br>Халқ банки томонидан - 0,5 млрд.сўм;<br>Микрокредитбанк томонидан - 5,6 млрд сўм;<br>Агро банк томонидан - 11,2 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилади. |
| 47 | | "Yoshlar-kelajagimiz" дастури доирасида кредит маблағларини ажратиш. | Йил давомида | Марказий банк бош бошқармаси, Агро банк, Халқ банки, Микрокредит банк | 36800 | Тижорат банклари кредити | Аввал ажратилган имтиёзли кредитларнинг қайтарилиши ҳисобидан "Ёшлар келажагимиз" Дастурига киритилган лойиҳаларга:<br>Халқ банки томонидан - 4,2 млрд.сўм;<br>Микрокредитбанк томонидан - 9,9 млрд.сўм;<br>Агро банк томонидан - 22,7 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилади. |
| **Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ишлар сифатини ошириш, транспорт оқимини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, транспорт инфратузилма объектларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда эскирган нормаларни қайта кўриб чиқиш** | | | | | | | |
| 48 | 99 | Транспорт соҳасида аҳоли учун янада қулайликлар яратиш ва уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида йўл-транспорт инфратузил- | Йил давомида | Вилоят ҳокимлиги (Ходжиахмедов), Автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси | 57477,7 | Республика бюджети маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш доирасида вилоят бўйича:<br>1 та халқаро, 3 та давлат ва 1 та маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини қайта қуриш;<br>4 та давлат ахамиятидаги автомобиль |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | масини ривожлантириш чораларини кўриш. | | | | | йўлларини ва 3 дона кўприкларни тўла таъмирлаш назарда тутилади. |
| 49 | 100 | Вилоят иқтисодиёти ва аҳолиси эҳтиёжлари учун автомобиль транспорти хизматлари кўрсатишни янада ривожлантириш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимлиги (Ходжиахмедов), Транспорт бошқармаси | 24000 | Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси, тижорат банклари, лизинг компаниялари, маҳаллий бюджет маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш доирасида вилоят бўйича:<br>3 та халқаро ва 7 та маҳаллий янги автобус йўналишларини очиш;<br>2 та автостанция қуриш ва 1 та реконструкция қилиш;<br>15 та оралиқ бекатларни қуриш;<br>67 та янги автубуслар сотиб олиш назарда тутилади. |
| **Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш** | | | | | | | |
| 50 | 105 | Иқтисодиёт тармоқларига замонавий технологиялар жорий этиш, қўшилган қиймати юқори бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, жойларда янги иш ўринларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилишни кенгайтириш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар ва ташқи савдо, Марказий банк бош бошқармалари, тижорат банклари, шаҳар ва туман ҳокимликлари | 492,1 млн. АҚШ доллари<br><br>150100<br><br>1405000 | Хорижий инвестор маблағлари<br><br>Тижорат банк кредитлари<br><br>Ташаббускор маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Вилоятда 492,1 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш чоралари кўрилади.<br>Бунда, хорижий инвесторларга ер ва бино ажратиш, рухсатномаларни тақдим этиш, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш назарда тутилади. |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 51 | 106 | Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг узоқ муддатли имтиёзли кредитлари ҳисобидан аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилувчи бошқа ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси, Марказий банк бош бошқармаси, тижорат банклари, шаҳар ва туман ҳокимликлари | 427800<br><br>740900 | Ташаббускор маблағлари<br><br>Тижорат банк кредитлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Вилоятда ташаббускорлар ва тижорат банклари кредитлари ҳисобига 132 та кичик ва ўрта лойиҳалар амалга оширилади. Қўшимча янги иш ўринлари яратилади. |
| 52 | | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 декабрдаги “2020-2024 йилларда Фарғона вилоятининг Марғилон ва Қўқон шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1001-сонли қарорига мувофиқ 2020 йилда йилда 115 та лойиҳаларни амалга | Йил давомида | Вилоят ҳокимлиги (Абдурахмонов), Инвестиция ва ташқи савдо, Иқтисодиёт ва саноат, Марказий банк бошқармалари, тегишли ташкилотлар, Қўқон ва Марғилон шаҳарлари ҳокимликлари | 228400<br><br>274000<br><br>2,5 млн. АҚШ доллари | Ташаббускор маблағлари<br><br>Тижорат банк кредитлари<br><br>Хорижий инвестор маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Мазкур қарорга мувофиқ, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида115 та лойиҳаларни амалга оширилиши ҳисобига 2038 та янги иш ўринлари яратилади. |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ошириш ҳисобига 2038 та янги иш ўринларини яратиш чораларини кўриш. | | | | | |
| 53 | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга Олий даражадаги ташрифлари давомида тасдиқланган, 2020 йилга белгиланган 9 та лойиҳалар ижросини таъминлаш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимилиги (Абдурахмонов), Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари | 310400<br>437000<br>84,7 млн. АҚШ доллари | Ташаббускор маблағлари<br>Тижорат банк кредитлари<br>Хорижий инвестор маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Фарғона вилоятида хорижий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 163,3 млн. долларлик 9 та лойиҳани амалга оширилиши ҳисобига 1015 та янги иш ўринлари яратилади. |
| 54 | | “Қўқон” ЭИЗ худудида 48 та лойиҳаларни ишга тушириш чораларини кўриш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар ва ташқи савдо, Марказий банк бошқармалари, “Қўқон” ЭИЗ ДУК | 477100<br>503200<br>36,8 млн. АҚШ доллари | Ташаббускор маблағлари<br>Тижорат банк кредитлари<br>Хорижий инвестор маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>“Қўқон” ЭИЗда қиймати 48 та экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилиб, 3305 та янги иш ўринлари яратилади. |
| 55 | | 2020 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида қиймати 705,0 млрд. сўмлик 49 та лойиҳаларни амалга ошириш чораларини кўриш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар ва ташқи савдо, Марказий банк бошқармалари, тижорат банклари ва бошқа масъуллар | 392000<br>313000 | Ташаббускор маблағлари<br>Тижорат банк кредитлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Қиймати 705,0 млрд.сўмлик инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши натижасида вилоятда қўшимча янги иш ўринларини яратилади. |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 56 | | 2020 йилда туризм, хусусий таълим ва сервис соҳасида қиймати 681,5 млрд. сўмлик 58 та лойиҳаларни ишга тушириш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар ва ташқи савдо, Марказий банк бошқармалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари | 505700<br><br>175800 | Ташаббускор маблағлари<br><br>Тижорат банк кредитлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Қиймати 681,5 млрд.сўмлик инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши натижасида вилоятда қўшимча янги иш ўринлари яратилади. |
| **Янги бозорларни ўзлаштириш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, халқаро сифатни бошқариш тизимларини жорий этишда экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш чоралари ва механизмларини кенгайтириш орқали ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш** | | | | | | | |
| 57 | 114 | Вилоятда 290,2 млн. АҚШ долларлик мева-сабзавот ҳамда 398,4 млн. АҚШ долларлик саноат маҳсулотлари экспортини ортиғи билан бажариш чораларини кўриш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар ва ташқи савдо, Қишлоқ хўжалиги, Иқтисодиёт ва саноат бошқармалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, Ўсимликлар карантини вилоят инспекцияси, Божхона бошқармаси | - | - | Амалий чора-тадбирлар. Бунда:<br>жорий йилда 290,2 млн. АҚШ долларилик, кейинги 5-7 йилда эса бундан 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш;<br>ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич ихтисослаштириш;<br>халқаро бозорлардаги талабни таҳлил қилиш асосида экспортбоп юқори даромадли маҳсулотларни танлаб олиш;<br>туманларни мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, маҳсулотларни етиштириш учун ер ажратиш;<br>сифатли уруғлик ва бошқа турдаги моддий-техник ресурслар билан таъминлаш ҳамда хизматлар соҳасини ривожлантириш;<br>чет эл карантин хизматлари билан “яшил йўллар” тизимини ўрнатиб, Европа |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Иттифоқи, Хитой, Корея, Япония каби давлатларга мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш назарда тутилади. |
| **Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, интенсив технологиялар ва инновацион ишланмаларни кенг жорий қилиш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кластер тизимини ва барча йўналишларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш йўналишларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш** | | | | | | | |
| 58 | 125 | Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш ишларини давом эттириш. | Йил давомида | Қишлоқ хўжалиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Агропилла” МЧЖ, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари | Ҳисоб-китобларга асосан | Ташаббускор маблағлари, тижорат банклари кредити | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>2020 йилдан пахта ва ғалла ишлаб чиқариш ҳажмларини давлат томонидан тасдиқлашдан воз кечиш;<br>пахта ва ғалла харид нархини давлат томонидан белгилаш амалиётидан воз кечиш;<br>салоҳиятли ташаббускорларни танлаб олиш ва фаолиятини йўлга қўйишда ҳар томонлама кўмаклашиш;<br>кластерлар ва маҳсулот етиштирувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш назарда тутилади. |
| 59 | 126 | Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш. | Йил давомида | Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, худудлар ҳокимликлари | Ҳисоб-китобларга асосан | Ташаббускор маблағлари, тижорат банклари кредити | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш чораларини кўриш назарда тутилади. |
| 60 | 127 | Қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш | 2020 йил 20 апрел | “Агросервис МТП” МЧЖ, Қишлоқ хўжалиги | Ҳисоб-китобларга асосан | Ташаббускор маблағлари, тижорат банклари | Чора-тадбирлар режаси. Режада:<br>ишлаб чиқарилаётган техникаларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш; |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | соҳаси рақобатбардошлигини ошириш. | | бошқармаси | | кредити ва бошқа манбалар | қишлоқ хўжалиги техникасини GPS-навигация қурилмалари билан жиҳозлаш;<br>буюртмачи ва хизмат кўрсатувчи ўртасида ҳужжат алмашувини электрон тарзда амалга ошириш;<br>кўрсатилаётган механизация ва сервис хизматларини online-режимда кузатиб бориш тизимини яратиш назарда тутилади. |
| 61 | 130 | Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. | 2020 йил 1 май | Қишлоқ хўжалиги, Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари | Ҳисоб-китобларга асосан | Халқаро молия институтлари маблағлари | Чора-тадбирлар дастури. Бунда:<br>дуккакли дон маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш;<br>маҳаллий навлар, хориждан импорт қилинаётган нав ва дурагайларни синовдан ўтказиш ҳамда давлат реестрига киритиш ишларини тубдан такомиллаштириш;<br>қишлоқ хўжалигида агроэкология тизимини ҳамда органик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш;<br>сабзавот, полиз ва картошка экинлари уруғларини етиштириш, уларни апробациядан ўтказиш, етиштирилган уруғликларни сақлаш бўйича ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш;<br>республикада узумчилик ва виночилик соҳасини янада ривожлантириш, жумладан туризм хизматларини кўрсатишга йўналтирилган кичик виночилик корхоналарини ташкил этиш;<br>ФАОнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси билан ҳамкорликда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича минтақавий конференция ўтказиш назарда тутилади. |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 62 | 134 | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларининг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш. | Йил давомида | “Сирдарё-Сўх” ИТХБ, “Фарғонасувкурилишинвест” ДУК, Молия бошқармаси, “Фаза-2” лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ), шаҳар ва туман ҳокимликлари | 148060<br><br>13,2 млн АҚШ доллари | Давлат бюджети маблағлари, Халқаро молия институтлари маблағлари | Амалий чора-тадбирлар. Бунда:<br>1424.2 км хўжаликлараро ва ички коллектор тармоқларини тизимли ҳамда 183 дона тик зах қочириш қудуқларни таъмирлаш тиклаш, 17.1 км хўжаликлараро коллекторларни, 3.5 км ёпиқ ётиқ дренаж тармоқлари, 1 дона МНС ва 1 дона тик қудуқларни қуриш ва реконструкция қилиш;<br>1.5 км каналларни реконструкция, 4.7 км қирғоқ бўйи ҳимоя ишлари;<br>Жаҳон банки иштирокидаги Фаза-2 лойиҳаси бўйича 16 км каналларни реконструкция қилиш, 61 дона тик суғориш қудуқларини қуриш, 35 дона гидротехник иншоотларни реконструкция қилиш;<br>38.4 минг гектар майдоннинг суғориш тизими, 57.6 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш назарда тутилади. |
| 63 | 135 | 2020 йилда 44 минг гектарда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сув тежовчи технология-ларни жорий этиш. | Йил давомида | Молия бошқармаси, "Сирдарё-Сўх" ИТХБ, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, худудлар ҳокимликлари | 175000 | Давлат бюджети маблағлари, тижорат банклари кредити | Амалий чора-тадбирлар. Бунда:<br>27,0 млн куб.метр сув ва бошқа ресурсларни иқтисод қилиш, 6,0 минг гектар такрорий экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш;<br>2020 йилда жами 10200 гектарга сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш назарда тутилади. |
| 64 | 137 | Чорвачилик озуқа базасини янада мустаҳкамлаш. | 2020 йил 20 март | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш, Қишлоқ | - | - | Чора-тадбирлар дастури. Дастурда:<br>озуқабоп экинларни этиш учун юқори ҳосилдор уруғликлар етказиб бериш;<br>чорвачилик хўжаликларига ажратилган |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | хўжалиги,<br>Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари | | | экин ерларида озуқабоп экинларни экиш;<br>чўл-яйлов озуқабоп экинлари уруғчилигини йўлга қўйиш;<br>чорвачилик хўжаликларини шрот, шелуха ва омухта ем маҳсулотлари билан биржа савдоси орқали таъминлаш;<br>чорвачиликда инновацион ишланмаларни кенг жорий қилиш чоралари назарда тутилади. |
| 65 | | Вилоятда фаолият юритаётган чорвачилик махсулотларини етиштириш, сақлаш, сотиш билан шуғулланаётган 1028 та тадбиркорлик субъектларининг ветеринария соҳасида билимларини ошириш бўйича ўқув-семинарлар ўтказиш. | 2020 йил 1 ярим йиллик | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари | - | - | Чора-тадбирлар дастури.<br>Дастурда:<br>Тадбиркорлик субъектларига чорва ҳайвонларидан одамларга ўтадиган ўта хавфли юқумли касалликлар ҳақида тушунча бериш;<br>ҳайвонларни четдан кириб келадиган турли хил касалликлардан ҳимоя қилиш назарда тутилади. |
| 66 | | Вилоятда 2020 йил давомида сигир ва таналарни наслли суньий уруғлантириш ишларини ташкил этиш. | Йил давомида | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари | 1278 | Фермер хўжаликлари ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан | Чора-тадбирлар дастури. Дастурда:<br>Фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёридаги сигирларни сунъий уруғлантириш орқали наслли бузоқлар олиш;<br>сунъий уруғлантириш учун талаб этиладиган уруғлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда ўтказиб бериш назарда тутилади. |
| 67 | | Вилоятда 2020 йил давомида аҳоли ва чорва фермерлар қаромоғидаги чорва ҳайвонларида | Йил давомида | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси, | 845 | Фермер хўжаликлари ўз маблағлари ҳисобидан | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда фермер хўжаликларидаги 32 минг 880 бош чорва хайвонлари ва 80 минг бош аҳоли қаромоғидаги |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар (*млн сўм*) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | идентификация тадбирларини ўтказиш. | | шаҳар ва туманлар ҳокимликлари | | | ҳайвонларида идентификация тадбирлари олиб борилади ва ягона электрон маълумотлар базаси яратилади. |
| **“Рақамли иқтисодиёт”ни жадал ривожлантириш, инсон фаолиятининг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, жумладан соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига, иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимларини автоматлаштириш, ахборот тизимининг яхлитлиги ва барқарор фаолиятини ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш** | | | | | | | |
| 68 | 140 | Энергетика вазирлиги тизимидаги ташкилотларда назорат ва маълумотлар йиғиш тизимини (SCADA), энергия менежменти тизимини (EMS) ҳамда бошқа турдаги ахборот технологияларини жорий этиш ва модернизация қилиш. | Йил давомида | Вилоят ҳокимлги (Ходжиахмедов), “Ҳудудийэлектр тармоқлари” АЖ | 325425 | “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ | Амалий чора-тадбирлар. Бунда:<br>SCADA – автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви тизимининг жорий этилиши электр қурилмаларини иш режимининг оптималлаштирилиши ва инсон омили туфайли юз берадиган авариявий ўчишларни олдини олиниши орқали истеъмолчиларнинг электр энергияси билан таъминлаш, ишончлилигини оширишга ёрдам беради.<br>Вилоятимизда SCADA (АСКУЭ) тизимини тўлиқ жорий этиш 2020 йилнинг оҳирига кўзда тутилган, яъни “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан 640850 дона замонавий электр ҳисоблагичларни электр энергияси истеъмолчиларига ўрнатиб бериш.<br>Энергия менежменти тизимини (EMS) ҳамда бошқа турдаги ахборот технологияларини жорий этиш ва модернизация қилиш натижасида энергетика хафвсизлиги таъминлашда, электр энергиясини ишлаб чиқаришда, етказиб беришда ва тақсимлаш жараёнларида асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар мониторинг қилинади ва режимлар оптималлаштирилади. |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 69 | 147 | Телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш. | 2020 йил 1 апрель<br>Йил давомида | Ахборот технологиялари ва коммуникация-ларини ривожлантириш бошқармаси, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали | Ҳисоб-китобларга асосан | Хитой ривожлантириш банки кредити, ускуна етказувчилар кредитлари | Амалий чора-тадбирлар. Бунда:<br>кенг полосали уланиш тармоқларини ривожлантириш;<br>2 минг кенг полосали уланиш абонент портларини ўрнатиш;<br>мобиль алоқа тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш;<br>олис аҳоли яшаш жойларида мобиль алоқа тармоғини кенгайтириш орқали 200 тадан зиёд база станцияларини қуриш ва модернизация қилиш;<br>оптик толали алоқа линиялари тармоқларини қуриш;<br>FTTx технологияси орқали 600 км оптик толали алоқа линияларини қуриш;<br>лойиҳани амалга ошириш натижасида аҳолига сифатли кенг полосали телекоммуникация хизматларини кенгайтириш назарда тутилади. |
| 70 | | Марғилон ва Қўқон шаҳарларида табиий газни назорат қилиш ва ҳисобини юритишни автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш. | 2020-2024 йиллар | “Ҳудудгаз Фарғона” МЧЖ | 95860 | Ҳалқаро молия институтлари маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>Марғилон ва Қўқон шаҳарлари ҳудудидаги табиий газ билан таъминланган кўп қаватли ва якка тартибдаги уй-жойларга жами 85 220 дона замонавий электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатиш. |
| 71 | 138 | “Рақамли Ўзбекистон - 2030” дастурини ишлаб чиқишга таклифлар бериш. | 2020 йил 1 апрель | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Ахборот технологиялари ва | - | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси. Лойиҳада:<br>телекоммуникация соҳаси, давлат хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқа соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар (*млн сўм*) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | коммуникацияларини ривожлантириш, Инвестициялар ва ташқи савдо, Иқтисодиёт ва саноат, Адлия, Молия, бошқармалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари | | | бу борада “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини тасдиқлаш;<br>Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига Бош вазирнинг рақамли технологиялар ва электрон ҳукумат масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш;<br>вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида раҳбарнинг рақамли технологиялар ва электрон ҳукумат масалалари бўйича ўринбосари лавозимини киритиш;<br>электрон ҳукуматнинг техник инфратузилмасини такомиллаштириш;<br>инсон капиталини ривожлантириш ҳамда кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;<br>давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот экотизимини ривожлантириш;<br>давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳолининг электрон иштироки даражасини ошириш;<br>ахборот хавфсизлигини, ахборот ресурслари ва тизимларининг ҳимоясини таъминлаш;<br>рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасидаги ягона ваколатли органи белгиланади. |
| 72 | | Россия Федерациясининг Пермь шаҳридаги технопарк | 2020 йил 1 сентябрь | Ахборот технологиялари ва коммуника- | Ҳисоб-китобларга асосан | Маҳаллий бюджет маблағлари | Амалий чора-тадбирлар.<br>Марғилон шаҳрида “Рақамли иқтисодиёт” марказини ташкил этиш; |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | андозасига асосан, Марғилон шаҳрида дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (“Рақамли иқтисодиёт” маркази)ни ташкил этиш. | | цияларини ривожлантириш ҳудудий бошқармаси, Марғилон шаҳар ҳокимлиги, ТАТУ Фарғона филиали, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали | | | марказнинг зарур инфратузилмаларни ташкил этишни маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга ошириш;<br>ташкил этилиши белгиланган объектларни марказга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш. |
| 73 | | Вилоятдаги 4 та шаҳар ва туманлар марказларида “Рақамли технологиялар ўқув маркази”ларини ташкил қилиш. | Йил давомида | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “АКТни ривожлантириш маркази” ДУК, шаҳар ва туман ҳокимликлари | Ҳисоб-китобларга асосан | Маҳаллий бюджет ва ижрочилар маблағлари | Вилоятдаги шаҳар ва туманлар марказларида “Рақамли технологиялар ўқув маркази”ларини ташкил этиш учун бинолар ажратиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш;<br>ёшларни, жумладан уюшмаган ёшларни ахборот технологиялари йўналишида тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларга замонавий ахборот технологиялари, электрон тижорат йўналишларини ўргатиш, шунингдек умутаълим мактаблари ўқувчилари ва коллежлар талабаларини компьютер технологиялари, дастурлаш асослари ва робототехника, компьютер индустрияси ва спортини ривожлантириш ишларига кенг жалб қилишга қулай шарт-шароитлар яратиш билан, жойларда ёшларни ушбу соҳага қизиқишини ошириш, уларнинг ижодий қобилиятини ўстиришга эришилади. |
| 74 | | Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ва соғлиқни | Йил давомида | Ахборот технологиялари ва коммуника- | Ҳисоб-китобларга асосан | Бюджет маблағлари, “Ўзбектелеком” | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда, умумтаълим мактаблар, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | сақлаш муассасаларини кенг полосали Интернет тармоғига улаш. | | цияларини ривожлантириш, Халқ таълими, Мактабгача таълим, Соғлиқни сақлаш бошқармалари, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали | | АК маблағлари ва бошқа маблағлар | муассасаларини кенг полосали Интернет тармоғига улашни 70 фоизга етказиш назарда тутилади. |
| 75 | | Шохимардон қишлоғида сифатли алоқа ҳамда Интернет (Wi-Fi) тизимини ташкил этиш чораларини кўриш. | 2020 йил 2 чорак | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали | 39 | "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали | Туристлар ташриф буюрадиган ҳудудда Wi-Fi интернет хизматидан фойдаланиш имконияти яратилади. |
| 76 | | Вилоятда кенг полосали хизматларни тақдим этиш мақсадида 400 км оптик толали алоқа линияларини қуриш. | Йил давомида | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали | 12500 | “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали | Вилоятда кенг полосали хизматларни тақдим этиш имконияти кенгайтирилади. |
| 77 | | Вилоятда GPON технологияси асосида кенг полосали телекоммуникация хизматларни 360 портга | 2020 йил давомида | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш | 154 | “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали | Интернет тармоғи етиб бормаган ҳудудларга интернет хизматидан фойдаланиш имконияти яратилади. |

| Тартиб рақами | Республика рақами | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъуллар | Сарф-харажатлар *(млн сўм)* | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | кенгайтириш. | | бошқармаси, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали | | | |
| 78 | | Вилоятдаги FTTx технологияси асосидаги кенг полосали тармоқларни жами 480 портга кенгайтириш. | 2020 йил давомида | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали | 70 | “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали | Интернет тармоғи етиб бормаган кўп қаватли уйлар ва биноларга интернет хизматидан фойдаланиш имкониятини яратилади. |
| 79 | | Мобил алоқа операторлари томонидан тармоқни ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида 65 та янги база станцияларни қуриш, 128 тасини модернизация қилиш. | 2020 йил давомида | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси, Мобил алоқа операторлари | Ҳисоб-китобларга асосан | Вилоятдаги мобил алоқа операторлари | Мобил алоқа ва интернет хизмати етиб бормаган олис ҳудудларда мобил алоқа ва интернет хизматидан фойдаланиш имконияти яратилади. |
